

## Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 36-ҳадис

36 - عَنْ عَلِيٍّ، قَالَ: كُنْتُ رَجُلًا مَدَّاءً، كُنْتُ أَسْتَحْيِي أَنْ أَسْأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؛ لِمَكَانِ ابْنَتِهِ، فَأَمَرْتُ الْمُقَدَّادَ ابْنَ الْأَسْوَدِ، فَسَأَلَهُ، فَقَالَ: «يَغْسِلُ كَكَرَهُ، وَيَتَوَضَّأُ».

[خ 132، م 303، ت 114، س 152، د 206، جه 504].

Алий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Сермазий киши эдим. Қизлари (никоҳимдалиги) туфайли бу ҳақда Набий соллаллоху алайҳи васалламдан сўрашга уялар эдим. Шунинг учун Миқдод ибн Асвадга айтган эдим, у сўраб берди. У зот: «**Закарини ювиб, таҳорат қилади**», дебдилар».

*Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.*

**Изоҳ:** Мазий - жинсий қўзғалиш туфайли жинсий аъзодан келадиган оқ суюқлик. Вадий-баъзан бавл қилгандан кейин чиқадиган қуюқ оқ суюқлик. Мазий ёки вадий чиққанда таҳорат бузилади, лекин ғусл вожиб бўлмайди.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



